

ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 131 (9.323) 1999 йил 10 ноябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИТОЙГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

8 ноябрь кун Ислам Каримов Президентини Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзяминнинг тақлифига буюрилган давлат ташрифи билан мазкур мамлакатга жўнаб кетди. Сафар олдин мамлакатимиз Президентини оммавий ахборот воситалари вакилларида интервью бериб, жумладан, шундай деди:

— Хитой Халқ Республикаси жаҳондаги йирик давлатлардан бири ҳисобланади. Бу мамлакат нуфузи катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради, сайёрамиз аҳолисининг 21 фоизи ушбу мамлакатда яшайди. Хитой халқро ҳамжамиятда ҳам катта нуфузга эга бўлиб, иқтисодий юкори суръатлар билан ривожланиб бораётир. Бугун бутун дунё Хитойнинг XXI асрдаги истиқболига жуда катта хайрхолик ва ҳурмат билан қараётти.

Бир пайтлар Хитой аҳолиси тез ўсаётгани боис кўпчилида шубҳа туғилган эди. Яъни, бу давлат халқини қандай боқадди, озик-овқат билан қандай таъминлайди?.. Бугунги кунда мамлакат нафақат ўз аҳолисини озик-овқат билан тўла таъминлаётти, балки кишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт ҳам қилаётти. Бир сўз билан айтганда, Хитой, ҳақиқатан ҳам тез ривожланиб, тараққий этган давлатлар қаторидан жой эгаллаётган мамлакатлардан биридир.

Айни пайтда у халқро майдонда катта оғрига эга. Бугун унинг овозига, айтадиган гапига бутун дунё катта ҳурмат ва эътибор билан қараётти. Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо беш давлатдан биридир. Шу нуқта назардан қараганда, Хитой билан ҳамкорликнинг мустақимлаштириши ўлкамизда, умуман, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик собит туришида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий алоқалар ҳақида гапирсак, давлатларимиз ўртасидаги бундай алоқалар мустақим заминга эга. Лекин очик айтиш керак, бу алоқалар имкониятлар даражасида эмас. Ҳозир мамлакатимизда жами ўн бешта қўшма корхона мавжуд. Бу — оз. Шунинг учун бизнинг мақсадимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни юкори даражага кўтариш. Шу нуқта назардан, ўзаро манфаатли ва тенг алоқаларни ўрнатишда катта имкониятлар бор ва ундан унумли фойдаланишимиз керак.

Бунинг учун, аввало, транспорт, яъни коммуникация масаласини тезроқ ечишимиз лозим. Бу муаммо айрим масалаларнинг тезроқ хал қилинишида асосий тўсиқ бўлиб турибди. Хитой орқали, жанубий бандаргоҳлар, Япония ақинида жойлашган Шанхайга чиқиш бизнинг энг муҳим стратегик мақсадларимиздан бири. Мазкур ташрифимиз чоғида шу масалани ҳам алоҳида муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда. Сабаби бундай ҳамкорликдан Хитой томони ҳам жуда манфаатдор.

8 ноябрь. Пекин. (ЎЗА махсус мухбири Анавар Бобоев хабар қилади). Шу кун Президент Ислам Каримов Хитойга етиб келди.

Хитой Халқ Республикаси Халқ йиғини уйда Ислам Каримов Президентини расмий кутуб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиди. Давлат мадҳиялари янгради. Шундан сўнг, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ва ХХР раиси Цзян Цзяминнинг юзма-юз сўхати бошланди. Президентлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, халқро муаммолар, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилди. Ягона фикрга келинган масала шу бўлдики, икки давлат раҳбари ўзаро ҳамкорликдан мамнулий билдириб, алоқаларни янада мустақимлашга бирдек кучли эъти-

бор қаратишга келишиб олди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида эса Ўзбекистон билан Хитой ўртасида телекоммуникация, транспорт, сайёҳлик, савдо-сотиқ, таълим, ҳуқуқ ва қатор бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўрилди.

Музокаралар нихоясида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида Дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида Экстрадиция тўғрисидаги битимга имзо чекилар. Шунингдек, телекоммуникациявий алоқа, ақлий мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, Хитой томонидан Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети билан Хитой Дипломатия университети ўртасида, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Хитой давлат сайёҳлик қўмитаси ўртасида ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳам ҳужжатлар имзоланди.

Оқшом ХХР раиси Цзян Цзяминь номидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди.

9 ноябрь. Пекин. (ЎЗА махсус мухбири Анавар Бобоев хабар қилади). Эрталаб Президент Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойига гу кўйди.

Давлатимиз раҳбари «Гун» император саройини ҳам зиёрат қилди. Бу мажмуа Пекиндаги ва умуман Хитойдаги энг диққаткор маконлардан саналади. Ўз даврида у ерда йигирмадан ортик император яшаган. Қўрғон шаклидаги бу шаҳарчада юзлаб бинолар бор. Президент Ислам Каримов императорлар хаёти, фаолияти, турмуш тарзи, сарой аъёналари билан танилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз «Дяоютай» қароргоҳида ХХР ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазири Ши Гуаншен ҳамда Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқалар икки давлатнинг имконияти, салоҳияти ва истиғага уйғун эмаслиги кайд этилди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотиқ ҳамжамияти охириш масалаларини муҳокама қилди. Хитойлик ишбилармонлар Ўзбекистон билан алоқаларини кенгайтиришга тайёрлигини билдириди. Мулоқот чоғида амалдаги лойиҳалар ижроси кўриб чиқилди, янгиликларни тузиш бўйича фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов Хитойдаги йирик ахборот агентлиги «Синхуа» мухбирига интервью берди. У саволга жавоб қайтарар экан, мазкур ташриф, Хитой Ўзбекистон алоқалари, Буюк Ипак йўлини тиклаш, халқро террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизлик каби қатор мавзуларга тўхтади.

Шундан сўнг, давлатимиз раҳбари Халқ йиғини уйига борди. У ерда Ислам Каримовнинг Бутунхитой халқ вакиллари йиғини доимий қўмитаси раиси Ли Пэн билан учрашуви бўлиб ўтди. Сўхбат чоғида икки давлат парламентлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Хитой парламенти раиси Ли Пэн номидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди. Эртага Президент Ислам Каримовнинг ХХР Бош вазири Чжу Жунцзи билан учрашуви режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЮКОРИ МАВҚЕГА ЭГА

9 ноябрь. Пекин. (ЎЗА махсус мухбири Анавар Бобоев хабар қилади).

ХХР раиси Цзян Цзяминь мамлакатимиз ҳақида сўзлар экан, шу гапни алоҳида таъкидлади. «Яқин дўстлик ва кўпчилик алоқаларини ривожлантириш минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустақимлаш ҳамда дунё микёсида ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлади», деди Хитой раҳбари Ўзбекистон сиёсатига ҳам бера экан.

Пекинда Президент Ислам Каримов билан учрашгандан кейин, ХХР раиси Ўз-

бекистон раҳбарининг икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳис-саси юкори эканини таъкидлади ва бу борадаги хизматларига юкори баҳо берди.

Бугун Хитой матбуотининг асосий диққат-эътибори Президент Каримовнинг ташрифи қаратилган. «Чайна дейли» газетаси, масалан, «Хитой билан Ўзбекистон имкониятларни бирлаштиришти» сарлавҳаси остида Президентимизнинг ташрифи оид батафсил мақола чоп этган. Унда дастлабки музокаралар, улар натижасида эришилган келишувлар ҳақида ҳам сўз боради.

Кўрғазмалар

МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

КЕЧА «Ўзкостмарказ» республика савдо кўрғазмалар марказида АҚШнинг «TNT Productions, Inc» компанияси томонидан таъкид этилган истеъмол, озик-овқат маҳсулотларини намойиш қилмоқдалар. Кўрғазмадан машиқ техника воситалари, пойабзал, кийим-кечак, ула-алик маҳсулотлари, йўйноқлар, мебель, озик-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар, кишлоқ хўжалиги ва озик-овқат саноати учун асбоб-ускуналар ўрин олган. Шунингдек, илк бор Таиланд ва Шри Ланканинг миллий экспози-

циялари ҳам намойиш этилмоқда. Хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу кўрғазма орқали чет эллик фирма ва компаниялар Ўзбекистонда махсулот ишлаб чиқарувчи «Туфин» қўшма корхонаси, «Гульсар» ишлаб чиқариш савдо концерни каби корхоналарнинг маҳсулотлари билан танишиб, шартнома тузишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Истеъмол ва озик-овқат маҳсулотлари халқро кўрғазмаси 12 ноябрга қадар давом этади.

Даврон ИСМАТОВ.


1999 САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 2000

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 25 кун қолди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига 60 кун қолди



Миробод туманидаги 18-Темирўйч сайлов округида ҳам ишлар қизгин паллага кирди. Чапдаги суратда ушбу округ сайлов комиссияси раиси Бахтиёр Исахўжаев навбатчи Наталья Косово билан округ сайлов участкалари чегараларини кўздан кечираётганлиги тасвирланган. Шу тумандаги 181-сайлов участкаси котиби Хикоят Аббосова ва навбатчи Саодат Рўзметовалар (ўнгдаги сурат) сайловчилар рўйхат-Рустаам Шарипов олган суратлар.



Бу йилги сайлов жараёни ҳам яқунловчи бошқача ўтди: сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вақиллик органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган энг муносиб номзодлар рўйхатга олиниб тарғибот-таъшиқот ишлари, сайловчилар билан учрашувлар бошланиб кетди. Сайловнинг янгилиги — ташаббускор гуруҳлар кўрсатган номзодларга қўмақлашувчи янги демократик тузилма — мустақил номзодларни кўллаб-қувватлаш маркази Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Аъзамжон Гадоёбоев билан сўхбатимиз ҳам ушбу марказ томонидан амалга оширилатган юмушлар хусусида кечди.

— Аъзам Гадоёбоевич, марказнинг шаҳар бўлими томонидан амалга оширилатган ишлар, қанча мустақил номзод рўйхатдан ўтиб фаолият бошлагани тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Авваламбор шунини айтишни истардимки, мус-

тақил номзодларни кўллаб-қувватлаш маркази ўз низомига мувофиқ нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Унинг вазифаси мустақил номзодларни кўллаб-қувватлаш, ташаббускор гуруҳ-

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

лар тузиш ва рўйхатга олинишида мустақил номзодларга қўмақ беришидир. Яъни, у ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан ёрдам берувчи ташкилотдир. Албатта ҳозир сайловнинг дастлабки бошқичлари ўтиб, пойтахт бўйича сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган 9 нафар номзод халқ дустгалари Тошкент шаҳар Кенгашига, 10 та мустақил номзод эса Олий Мажлис депутатлигига рўйхатдан ўтди.

— Сизларга ҳозир кўпроқ қандай соволлар билан мурожаат қилишмоқда? Мустақил ном-

зодларга қандай қўмақ кўрсатмоқдасизлар?

— Кунини кечди. Мустақил номзодларни кўллаб-қувватлаш маркази залда барча мустақил номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мустақил номзодларнинг ўзаро иш олиб боришлари, сайловолди дастурларини тузиш, сайловолди тарғибот ишлари тўғрисида тегишли маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари марказнинг шаҳар бўлимига мустақил номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари тез-тез келиб тарғибот ишларини ташкил этиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш тартиби тўғрисида мурожаат қилиб, уларнинг қизиқтирган барча маълумотларни олмақдалар.

Шунини айтиш керакики, бўлимида тажрибали ҳуқуқшунослар, турли хил давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот», «Нуроний» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» кенгашининг Тошкент шаҳар бўлимига ходимлари ҳам фаолият кўрсатиб, ўзларига мурожаат қилган мустақил номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларига маслаҳат ва йўл-йўриқлар орқали қўмақлашптилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ **Кеча** Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини юритишларида шароит яратиш бўлиб ҳамда депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномалари тасдиқланди ва сайлов комиссиясининг воқалот доирасига кирувчи бошқа масалалар муҳокама этилди.

◆ Вазирлар Маҳкамасида корхоналарнинг банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳуқумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Хонободдаги «Анджонкабель» акциядорлик жамияти негизида Асақдаги «ЎзДЭУавто» корхонаси автомобиллари учун электр силлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «ЎзКодж» қўшма корхонаси ташкил этилди.

◆ Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Туркменистон ташқи ишлар вазири Борис Шихмуродов ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов учрашуви чоғида икки мамлакат фуқароларининг ўзаро ташрифлари бўлишида ҳуқуматлараро Битим ва унга қўшилган протокол имзоланди.

◆ Қашқадарё Аёллар марказида республика «Аёллар ва саломатлик» уюшмаси томонидан ташкил этилган тўрт кунлик семинар ўтказилди.

◆ Республика Байналмилал маданият марказида «Миллатларро ҳамжихатлик — барқарорлик омили» мавзусидаги навбатдаги илмий анжуман бўлди.

◆ Самарқандда кузги бўш иш ўринлари ярмаркаси катта муваффақият билан ўтди.

◆ Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги «Дўстлик» хўжалигида янги кишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

◆ Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида мамлакатимизнинг 10 вилояти ва Қозғистон Республикасининг Чимкент вилояти самбочиларининг Ўзбекистон самбо фахрийлари соврини учун турнири бўлиб ўтди.

◆ Эртага Жиззахда Аёллар йилга бағишланган республика спортчи аёлларининг «Тўмарис» мусобақалари бошланади.

ЖАХОНДА

◆ Бугун БМТ Бош котиби Кофи Аннан Токиода Япония Бош вазири Кейдзо Обути билан музокаралар олиб боради ва император Акихито билан учрашади.

◆ Шу кунларда Арманистон ҳуқуматининг янги тарихий эълон қилиниши керак. Бироқ янги Бош вазир А. Саркисян билан Президент Р. Кочарян ўртасида бир қатор қуролли вазирликлар раҳбарлари номзоди хусусида келишмовчиликлар пайдо бўлди.

◆ Кеча Индонезиянинг янги Президенти Абдурахмон Вохид Малайзияга ташриф билан жўнаб кетди.

◆ Паравгай билан Куба ўртасида 1961 йилдан буён тўхтаб қўйилган дипломатик муносабатлар қайта тикланди.

◆ Кеча Берлинда Берлин девори кулаганиннинг 10 йиллиги муносабати билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг соёбик Президенти Ж.Буш, ГФРнинг соёбик канцлери Г. Коль ва соёбик СССРнинг соёбик Президенти М. Горбачёв катнашди.

◆ Жанубий Корея билан Монғолия ҳуқуматлари ўртасида табиий захираларни ҳамкорликда қайта ишлаш тўғрисидаги Битим имзоланди.

◆ Бугун Германияда Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия Президентларининг Европа Иттифоқини кенгайтириш юзасидан учрашуви бўлиб ўтди.

◆ Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн ан-Нажаф

шаҳрида мамлакат диний уламолари билан учрашувда 1990 йилда Ироқнинг Қувайтга тажовузи туфайли минтақага киритилган АҚШ ҳарбийлари Форт Кўрфазидан чиқиб кетишга мажбур қилиши мумкинлигини айтди.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига халқро ҳамжамиятнинг Тожикистондаги кузатувчи миссияси мандатини навбатдаги олти ойга — 2000 йил 15 майга қадар узайтиришни маслаҳат берди.

◆ Халқро валюта фондининг ижрочи директори М. Камдессо эғаллаб турган лавозимидан кетишга қарор қилганлигини айтди. У бу истеъфо сабабини айтмади.

◆ Жаҳон банки Хитойнинг Суанхэ дарёсининг сув ва тупроқ захираларини сақлаш борасидаги лойиҳа ижросини таъминлаш учун 150 миллион АҚШ долларини ажратди.

◆ Бугун Истанбулда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар нодавлат ташкилотлари вакиллари учрашуви нихоясида етади. Унда XXI асрда Европа Хавфсизлиги хартиясининг имзоланиши кутилмоқда.

◆ Парижда Социалистик интернационалнинг XXI съезди бўлиб ўтмоқда. Унда жаҳоннинг 140 дан зиёд мамлакатидан социалистик ва социал-демократик партияларнинг делегатлари иштирок этмоқда.

◆ Нью-Йоркда бўлиб ўтган кимшоши савдосига АҚШнинг соёбик Президенти Жон Кеннедининг буюмлари қўйилди. Президентга ихлоси ўта баланд кишилардан бири унинг 30 метрлик яхтасини 942 минг долларга харид қилди. Президент ўлиmidан аввал фойдаланган галстук кистиригичи 26 минг долларга сотилди.

«ТОШКЕНТ» СЕЙСМОСТАНЦИЯСИНING ХАБАРИ

Шу йил 8 ноябрь кеч соат 21 дан 46 дақиқа ўтганда Тошкентда Рихтер ўлчови бўйича 4—5 балли ер силқиниши кайд этилди. Зилзила маркази Тошкентдан 500 километр жануби-шарқда, Тожикистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган. Зилзила кучи унинг марказида 7 балл бўлди.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Шаҳримиз тадбиркорлари бир қатор ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

Ана шундайлардан бири Чилонзор туманидаги «Қафсор фидойи» фирмасидир. Унинг шохобчаси, яъни 1-цеҳи Сирғали тумани «Йўлдош-3» даҳасида бўлиб, аҳолига намунали хизмат қилиб келмоқда.

Цех аъзолари халқ учун сифатли нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эътиборни қаратишган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида янги бино қурилиб, унга замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Ишчилар 24 соат ичда 6 тонна оқ нон, 3 тонна алоҳида қора «Дармон» нони ва бир қанча хар хил булочкаларни ишлаб чиқариб, аҳоли дастурхонига етказиб бермоқ-

да. Фирма ишчи ва хизматчилари уч сменали иш режими билан ишлайди.

Музаффар Рихсибоев раҳбарлигидаги бу цехнинг 50 га яқин ишчи-хизматчилари тартиб-интизом, аҳиллик йўли билан иш олиб боришаётир. Ишни мөөрда ташкил этишда смена усталарининг фаоллиги ўзгача. Айниқса, Муҳаббат Усмонова, Мухтабар Расулова, Анавар Яхшилик ва Шукрат Имомиддиновларга аҳоли ўз миннатдорчилигини билдиришмоқдалар.

Галла-галдан иккита «ХРМ» русумли газ печлари ишлаб турибди. Куну тун аҳоли дастурхонини иссиқ ва мазали нон билан тўлдириб мақсадлини қўзлаган фирма аъзолари янада изланишлар олиб боришмоқда.

Асқар ҲУСАНОВ.

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 25 кун қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига 60 кун қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик қизғин паллага кирди. Бу кун яқинлашгани сари сайловчиларнинг депутатлик моҳиятини идрок этиш, танлаш, қайта-қайта мушоҳада этиш жараёнлари ҳам кучаймоқда. Хўш, бу сайловларда биз кимга овоз берамиз? Сайловларнинг халқаро демократик андозаларга мос равишда ўтиши учун барча ҳуқуқий ҳамда сиёсий асослар мавжудми? Бундай саволларга ҳамшаҳарларимизнинг жавоблари шундай бўлди.

фуқароларнинг сайланадиган депутатга бўлган ишончи деб тушуномимиз керак.

Яширишнинг ҳолати йўқ, Собиқ шўролар даврида зўрма-зўраки сайланган депутатлар қандай «фаолият» кўрсатганлиги ҳар биримизга аён. Депутатликка сайланган баъзи бир халқ вакиллари ҳатто сессияда бирон оғиз сўз айтиш имкониятига ҳам эга эмас эдилар. Борди-ю улар зўрма-зўраки «нутқ» сўзлайдиган бўлишса, уларнинг қўлига айтиладиган матн масъул идоралар томонидан тайёрлаб бериларди.

Энди давр ўзгарди. Ҳозирги сайловлар одил Конституциямизга асосланиб ўтказилмоқда. Бугун ҳар

ди, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Лекин минг шукрлар бўлинки, мустақиллик шарофати билан шуур ва онгимизга кириб келган эркинлик шаббодаси бизга ўз сўзимизни рўй-рост айта олиш имконини берди.

Мустақилликка эришган юртимизда дастлабки кунларда ҳуқуқий давлат қуриш пойдевори яратила бошланди. Бу аввало вакиллик ҳокимиятини шакллантиришга хизмат қиладиган сайлов ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда маҳаллаларда ташаббускор гуруҳлар тузилиб, бу гуруҳлар орқали халқ ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқи эга бўлганлиги ана шу ўзгаришларнинг биридир.

Яна бир нарса. Эндиликда олдинги даврлардан фарқли ўлароқ депутатлик имтиёз эмас, бу ўта оғир масъулият эканлигини ҳар бир номзод, ҳар бир сайловчи тушуниб ета олди. Ҳатто бугунги сайловнинг ўзи ҳам бундан беш йил аввалги сайловларимиздан кўрсатилаётган номзодлар ва сайловчиларнинг фаоллиги ошганлиги билан фарқланади.

Албатта депутат бўлишга интилиш ҳар кимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи. Бироқ, бу ишда ҳам мардлик кераклигини рўй-рост айтиши керак. Чунки эндиги сайловларимиз бир неча номзодлар орасидан энг муносибни танлашдек имконият берган экан, бугунги сайловчи шу шароитдан тўла-тўқис фойдаланиб, ўзининг Конституциявий бурчи ва ҳақ-ҳуқуқини рўй-рост чиқариши керак.

Бугун кимни сайлаш керак, деган масала ҳар бир сайловчининг олдида кўндаланг бўлиб турибди. Кимга овоз бериш эса ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола. Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Ҳар бир сайловчи номзодларнинг дастурлари билан танишиб, улар билан учрашиб, бир қарорга келар экан, албатта депутатлик ўзи нима, унинг моҳияти нимадан иборат деган саволларга аниқ ва лўнда жавобга эга бўлмоғи зарур. Бу борда гап борганда, бир нарсани — аввало депутат кўнгли тоза, ҳалол, ақли ва заковатли, ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўймайдиган, ўз элининг нуомуи ва шарафини сақлашга қодир бўлган инсон бўлиши кераклигини эътиборга олмақ лозим. Кўрсатилаётган номзодлар орасида бундай эл назарини қозонган, депутатликка ҳар томонлама жавоб бера оладиган, депутатликни юксак масъулият деб тушунадиган юрдошларимиз жуда кўп.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

● **Ҳамидулла ЭШОНҚУЛОВ,** ҳуқуқшунос:
— Давлат ҳокимиятини шакллантиришда демократик тамойиллар муҳим ўрин тутди. Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда сайловлар ўтказилиши тартибининг ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб берилган. Шундай экан, республикаимизда ўтказилган навбатдаги сайловлар миллий тараққийимиз ва демократиянинг ўзига хос намоиши бўлади, дейишимизга барча асослар бор.

фуқароларнинг эмин-эркин иштирок этишлари ўзлари танлаган номзодларга яширин тарзда овоз беришлари қонун билан мустаҳкамланди.

Менга сўз беринг

ТЕНГҲУҚУҚЛИЛИК АСОСИДА

Мамлакатимиз сайлов қонунларида сайловларнинг умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгилангани жаҳон андозаларига тўла мос келади.

Шу ўринда биз албатта бир нарсани яхши англаб олмағимиз керак. Юртимизда ўтказиладиган сайловлар шунчаки сиёсий тадбир эмас, у ўз тараққийи йўлида бораётган мамлакатимиз тақдирига оид жараён ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир киши унда фаол иштирок этиши билан бирга амалга оширган ишларимизга муайян даражада ўз муносабатини билдиради ва навбатдаги юксалиш учун замин ҳосил қилади.

Бир сўз билан айтганда, сайловлар—Ўзбекистон мустақиллигининг қафолати бўлган давлатимизни янада мустаҳкамлаш омилidir.

● **Камол НОСИРОВ,** ишчи:

— Давлат ҳокимияти вакиллик идораларига бўлажак сайловлар мамлакатимиз сиёсий тизими учун жиддий синов ҳисобланади. Ўтган сайлов биз учун муҳим бир дарс бўлган бўлса ҳозирги эса имтиҳон. Сабаби сиёсий партияларнинг бутун босиб ўтган даври мобайнида қай даражада ўз нуфузига, обрў-эътиборига эга бўлганлиги шу сайловлар натижасида янада яққол намоён бўлади. Шундай экан, бугун ҳар биримиз сайловни ўткинчи тадбир деб эмас, балки сайлов бу

бир онгли одам ҳозирги жараёнда, сайловлар даврида кимнинг номзодини қўллаб-қувватлашим керак, парламентага муносиб одам ўтишига ҳисса қўшаманми, мен кўрсатган номзод мамлакатим тараққийи учун қандай ишни амалга ошира олади, деб ўйлаши табиий. Чунки сайлов участкасига ҳўжақўрсинга эмас, ўз тақдирини, фарзандлари келажаги, юртининг гуллаб-яшнаши, қолаверса, Олий Мажлис шон-шўҳрати, обрўсининг ошишини ўйлаб борган сайловчининг амон руҳини чуқур англаган бўлади. Фуқаролар онги қанчалик ўсиб, фаоллиги ошса, жамиятимизда демократик тамойиллар шунчалик намунали шаклланади.

Сайловда иштирок этган ҳар бир киши ўз хоҳиш-иродасини ифода этар экан, жамиятдаги масъуллиги нуқтаи назардан келиб чиқиб, ўз ўрнини, кимлигини, нималарга қодирлигини намоён қилади. Шу ўринда биз бир нарсани чуқур англаб олишимиз керак. Биз номзоднинг мансаби учун эмас, балки унинг сайлов дастурига овоз берамиз. Номзод ким бўлишидан қатъий назар тушунчаси кенг, онгли, виждонли, ватанпарвар, халқпарвар бўлиши керак. Ана шундагина биз мустақил юртимизга муносиб номзод учун овоз берган бўламиз.

● **Садриддин ТОЛИПОВ,** курувчи:

— Балки баъзилар олдий курувчи сайловлар ҳақида нима ҳам деи олар—



Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар яқинлашгани сари жойларда тарғибот ва ташвиқот ишлари тобора қизғин тус олмақда. Айниқса бугунги кунда сайлов округлари ва участкалари одамлар билан гавжум бўлаяпти.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Ҳамза туманида жойлашган 376-сайлов участкасини кўриб турибди. Сайлов комиссиясининг раиси Валентина Шугрикова сайловчиларга керакли, маълумотларни бермоқда. (Пастдаги суратда) эса Шайхонтохур туманидаги 20-сайлов округи тасвирланган. Округ сайлов комиссиясининг котиби Заурифа Пирмухамедова ва сайлов комиссияси аъзоси Дилфуза Маҳмудова навбатдаги ишлар юзасидан суҳбатлашмоқдалар. **Рустам Шарипов олган суратлар.**

Минбар

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Мамлакатимиз ушбу ижтимоий-сиёсий воқеа арафасида турибди. Шу йилнинг 5 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий Кенгашларга навбатдаги сайлов бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда бугун сайловчилар олдида рўйхати кўрсатилган номзодларнинг қай бирига ҳуқуқий қафолат беришим мумкин каби бир қатор ечимини кутаётган саволлар кўндаланг турибди.

— Биз ёшлар ҳам буу сафар мустақил юртимизнинг муносиб фарзандлари учун биринчи марта овоз бераётганимиздан фахрланамиз, — дейди талаба Сайёра Исмоилова. — Сайлов бизнинг онгимиз, дунё-қаррашимиз, маънавиятимиз синови эканлигини ҳам яхши англаб етамиз. Бу сайлов мутлақо демократик бир шароитда ўтишига ҳам ишончимиз комил. Чунки сайловда тарғибот-ташвиқот ишлари шундан дарак бериб турибди.

— Ҳаётим давомида жуда кўп сайловларни кўрдим, — дейди пенсионер Эргаш Қораев. — Кўплаб халқ ноиблари учун овоз бердим. Очиги биз сайлаган депутатлардан халқ ишончини қозонгани ҳам, қозонмагани ҳам бўлди.

— Бугун бизнинг овозимиз кўп нарсани ҳал этади, — дея ўз сўзини бошлади ишчи Қодир Собиров. — Шундай экан, биз ўз сайловчилик овозимизнинг қадрига етишимиз, унинг оқилона қарор, етти ўлчаб бир кесиб ташланган қадам билан ўлчамимиз лозим бўлади. Ҳар биримиз ўзимизни, ўзлимизни, бутун ижтимоий онгимизни, виждон ва иймонимизни муносиб депутатни сайлашга қаратмоғимиз керак. Биз мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканмиз, унинг келажаги учун ҳар бир лаҳзада фидойи бўла оладиган, Ватан истиқболли йўлида курашадиган, ана шундай юксак талабларнинг уддасидан чиқа оладиган инсонларга овоз беришимиз керак.

Бу йилги сайловлар олдингиларидан тенг ҳуқуқлиги, чинакам демократик тамойилларга асосланганлиги билан фарқ қилади. Бугун бизни жиддий сайловда курашиш кутаётир. У ёки бу Кенгашга кўрсатилган номзодлар рўйхатини кузатган киши уларнинг барчаси халқ диққат-эътиборини қозонган инсонлар эканлигини ўз-ўзидан билиб олади. Маълумки, илгариги номзодлар ўзларининг ишбилармонлик, маънавий ва ахлоқий сифатларига кўра эмас, балки, у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансублигига қараб кўрсатилар эди. Энди эса депутатликка энг муносиб, мамлакатимизда ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий ислохотларга ўз улушини қўша олган одамларни сайлашимиз кераклигини ҳар биримиз яхши тушунамиз.

Биз фикр ва тарафлар ранг-баранглиги, шароитда кўп партиявийлик одамларнинг шахсий имконияти ва иқтидорлари ривожига тенг йўл очилган бир даврда яшайпмиз. Шундай экан, номзодларни сайлашга эскича, кўр-кўрона овоз беришдан бутунлай воз кечишимиз керак. Масалан, ай-тайлик сайлов участкасининг бордигиз. Қўлингизга мамлакатимиздаги беш партиянинг, ҳокимият органларининг, ташаббускор гуруҳларнинг номидан кўрсатилган номзодлар исми-шарифи битилган сайлов бюллетенини қўлингизга тутказишади. Лекин сиз уларнинг орасидан танлаб-танлаб аниқ бир номзодга тўхталишингиз шарт. Танлаш, саралаш, олий қонунчилик органига энг муносиб депутатларни топиб сайлаш бу йилги сайловнинг муҳим жиҳатларидан бири.

Мақсуд ҚОБИЛОВ.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Бу йил ёшим этиб биринчи марта сайловда овоз бераман. Сизлардан илтимос, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

Содиқ РАҲИМЖОНОВ.

Ёш оқшомхонни қизиқтирган саволига жавоб тарихасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 2 ва 3-моддаларини келтиришни лозим топдик.

Олий Мажлиса депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунига 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Олий Мажлиса сайланиш ҳуқуқига сайлов кунига 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озоқликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқи эгадирлар.

Олий Мажлис депутатлари фуқаролар томонидан бевоасита сайланадилар.

Кеча дугонам билан бир масалада тортишиб қолдик. У Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сайловда тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларидан овоз қилишини айтди. Мен эса унга ақсича жавоб қайтардим. Илтимос, ким ҳақлигини исботлаб берсангиз?

Сурайё МИРАЛИМОВА.

Чиндан ҳам, Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловда йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларини бажаришдан овоз бўлиш ҳуқуқи эга.

Олдинги сайловлардан бу галгис ташаббускор гуруҳлар фаолияти ва улар ўзларининг номзодларини кўрсатиш ҳуқуқи эга эканликлари билан ҳам ажралиб туради. Бундан қандай макссад кўзда тутилади?

Собир КОМИЛОВ.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, барча соҳа ва жабҳаларда эркинликларга, шунингдек, демократик сайлов ўтказиш имкониятига ҳам эга бўлдик. Айниқса, бу давргача юз бермаган ҳолат — ташаббускор гуруҳларнинг тузилиши ва унда халқнинг ўз номзодларини Олий Мажлис депутатлигига кўрсатиш ҳуқуқи эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Айтиш мумкинки, мустақил номзодлар кўрсатишнинг қонуний қафолатлини ва амалга ошириладигани, биринчидан, демократик ўзгаришларнинг ҳаётини ифодаси бўлса, иккинчидан, эса бу янгилик ҳақида қабул қилинган талабларга тўла мос келади. Бунда кўпроқ азалий кадрларимиздан бўлган маҳаллалар тажрибасига суянади. Бу янгилик ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаолиятига мос келганлиги учун ҳам халқ томонидан қизгин кутиб олинди. Шунингдек, у сайловчилар фаолияти охиби, ўзлари бевоасита яқиндан билган кишиларни қўллаб-қувватлаш имконини берди. Янгиликнинг асосий макссади чинакам демократияни ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Қалби дарё, қадди шамшодимиз бор, Оламда тинчликка овоз берамиз, Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!

Сарасин саракка, пучин пучакка, Ажратиб, майдонда яккама-якка, Олишиб мардона, кетмай пинакка, Оламда тинчликка овоз берамиз, Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!

Оламни англамоқ фурсати етди, Одамни танламоқ фурсати етди, Арзимиз, розимиз Оллоҳга етди! Оламда тинчликка овоз берамиз, Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!

Искандар РАҲМОН.

Яшасин, гулласин дея хур ўлкам, Яшасин дунёда одам шод, хуррам, Иймон, эътиқодни қилиб мустаҳкам, Оламда тинчликка овоз берамиз! Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!

Сигирнинг оласи ташиди, дерлар, Одамнинг сараси учиди, дерлар, Орзуци, тилаги бурчиди, дерлар, Оламда тинчликка овоз берамиз! Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!

Беш бармоқ бирлашса, бир мушт, куч бўлар, Ҳанимлар нияти барбод, пуч бўлар, Ҳалокат, офатга алабат дуч бўлар,

ЯШНАСИН, ГУЛЛАСИН ДЕЯ ХУР ЎЛКАМ

Оламда тинчликка овоз берамиз, Ҳамкорлик, дўстликка овоз берамиз!

Узукка кўз бўлар номзодимиз бор, Элининг юзи бўлар шерзодимиз бор,

... Хиндистон, Бхопал шаҳри, 1984 йил АҚШ давлатининг «Юнион Карбайд» компаниясига қарашли кимё корхонасида авария содир бўлиб, қуварлар орқали 40 тонна кучли таъсир қилувчи захарли модда ташқи муҳитга тарқалган. Унинг фожиа оқибати туфайли 2000 киши nobуд бўлган, 200 миң кишининг захарли ниши сабабли саломатлигига жиддий зиён етган.

... 1998 йил 20 май. Қирғизистон Республикаси. Канада давлатининг «Кумтор Оперейтинг компани» фирмасига қарашли юк машинаси 20 тонна цинанид натрийни ташиб кетаётганида, йўлдан дараёга ағдарилиб кетган. Бу дарё суви Ис-сиққўлга келиб қуйиларди. Маълумотларга кўра тахминан 1,5 тонна суюқ захарли модда дарё сувига аралашиб кетган. Дараёга яқин аҳоли яшайдиган жойларда ичимлик сув тизими беркитилди. Сув буйидаги дам олиш жойлари қаттиқ назоратга олинди. Шунга қарамай 181 та одам захарланган, катта миқдорда дараёдаги баликлар, жониворлар nobуд бўлган.

... 1998 йил, Фарғона вилояти, Кува тумани ва Шохимардон қишлоғини сел босиши туфайли содир бўлган фавқулодда вазият натижасида 105 киши ҳалок бўлган, 10 миң киши моддий ва маънавий зарар кўрди, 35 миң аҳоли кўчирилган, 15 миң гектар пахта майдони яқсон бўлган.

Умумий ҳолда бу воқеаларни таҳлил этсак, махсулот ишлаб чиқаришда rioя қилиниши лозим бўлган технологик жараённи олиб боришда хатолликка йўл қўйилганиги таъки қилиниши билан ҳаёт учун хавфли моддаларни бир манзилдан бошқа манзилга етказишда rioя қилиниши керак бўлган техника хавфсизлиги, йўл хавфсизлиги қондаларининг бузилиши, тоғларда музлар эриши туфайли сув сатҳининг ўзгариши кузатиш назорат хизматининг яхши ишламаганлиги, маҳаллий аҳолини огоҳлантириш ўз вақтида бажарилмагани, аҳоли йўлган жойларда хавфсизлик қондаларига rioя этилмаганлиги каби масалалар бўлиб, ениш мумкин бўлган воқеалар охири оқибатда муобатли муаммоларга айланган.

Шу сабабли ўринли савол туғилади: уларнинг содир бўлишининг олдини олиш, зарарли оқибатларини камайтириш

чора-тадбирларини ишлаб чиқишнинг имкони йўқими?

Илмий-техник ва махсус адабиётлардаги фавқулодда вазиятларнинг содир бўлишига алоқдор маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, яқин вақтларга кўп мамлакатларда бу йўналишдаги ишлар асосан содир бўлган табиий, техноген турдаги фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини туғатишга, зарар кўрганларга ёрдам бериш, қўқарув

ларнинг 15-сессиясида муҳокама қилинган «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир.

Қонун 5 боб ва 27 моддадан иборат бўлиб, унда худудимизда содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген турдаги ҳалокатлардан аҳолини ва худудларни муҳофаза қилиш борасидаги асосий тушунча-

рак бўлган вазифалардан бири — фуқаро муҳофазаси соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини ҳал қилишдир. Чунки Республика Фанлар академияси қарамогиди бир қатор тармоқ илмий-тадқиқот институллари асосан ўз тармоқ йўналишларидаги халқлиниши керак бўлган ишлар билан шуғулланган ҳолда табиий, техноген турдаги ҳодиса ва жараёнларни ўрганиб, баҳолаш ва тахминлаш борасида қисман иш олиб бормокдалар. Лекин, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни тахминлаш, содир бўлишдан огоҳлантириш, оқибатларини бартараф этиш учун керакли куч ва воситаларнинг миқдорини аниқлаш ва фуқароларни муҳофаза қилиш борасида чора-тадбирларини ишлаб чиқиш каби муаммолар тўлиқ ўз ечимини топмаган.

Бундай кўламда иш олиб бориш учун эса нафақат илмий-тадқиқот институллари, балки шу соҳага алоқдор вазирликлар, тармоқлар ва ҳокимиятлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак бўлади.

Фикр юритилаётган йўналишдаги илмий масалаларни ҳал қилиш ниҳоятда долзарб эканлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фуқаро муҳофазаси институти профессор-ўқитувчи ходимлари иштирокида ўтказилган «Фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги 1-Республика илмий-амалий анжуманида ўз исботини топди.

Фуқаро муҳофазасининг кенг қамровдаги йўналишларини ўрганишга бағишланган илмий маърузалар муҳокамаси шуни кўрсатдики, ҳозирги пайтдаги асосий масала бу умумлаштирилган ҳолда табиий, техноген ва экологик ҳалокатларнинг содир бўлишини баёроқлаш учун мониторинг тизимининг илмий асосини ишлаб чиқиш даркор.

Муаммолардан яна бири бу — Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонунлар, меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар устида ишлаш, қўқарув ишларини тўлиқ ҳажда олиб бориш учун керакли янги техника воситалар, материаллар, махсус кийимлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга тушириш зарурлигидир. Бунинг эса ҳозирги кунда Республикада қўллаб тузилаётган турли кўринишдаги ҳамкорлик асосидаги корхоналар негизда янгиларини ташкил этиш орқали амалга оширс бўлади.

Миржалил ЮНУСОВ,
Фуқаро муҳофазаси институти кафедраси бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор.
Анвар ИНОҚОВ.



Бу кўзалар қадимий хунармандчиликнинг бебаю намуналари.

Равиль Альбеков олган сўрат.

Жамият

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ — ИЛМИЙ-ТЕХНИК МУАММОЛАР ЕЧИМИДИР

ишларини ташкил қилиш, моддий техник ва табиий ёрдам беришдан (юқоридаги келтирилган мисолларда ҳам) иборат бўларди.

Лекин йилдан-йилга сон ортиб бораётган фавқулодда вазиятларни уларни бартараф этишга сарфланаётган иқтисодий харажатлар бундай хатти-харакатнинг самардорлиги паслигини кўрсатмоқда ва бошқача йўл тутиш кераклигини тақозо этмоқда — яъни содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдиндан тахминлаш, огоҳлантиришга кўпроқ аҳамиятни жалб қилиш зарур.

Бундан ташқари ҳаёт фуқаролар ўртасида бундай ҳалокатлар бўлганда қандай қилиб ўзини муҳофаза қилишни билишни тарғиб қилиш, тушунтириш ишларини жонлан-тириш муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатмоқда. Керакли меъёрий ҳужжатларни, қонунларни ишлаб чиқиш ниҳоятда долзарб эканлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистонда ҳозир бу йўналишда қандай йўллар, камчиликлар, муаммолар мавжуд ва улар ўз ечимини қандай топмоқда? деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Республикаимиз Президентининг 1996 йил 4 мартдаги Фармонида кўра худудимизда фавқулодда вазиятлар соҳасидаги фаолиятни бошқариш учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилган. Ўзбекистон ҳуқуқмати давлатимиз бўлиги Фармонларининг ижросини жадаллаштириш ва бу соҳа олдидаги босқичма-босқич 6 та қарор қабул қилди.

Бу соҳадаги катта ютуғимиз — Олий Маж-

лар, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш тизими, ҳуқуқат ваколатлари, меъёрий ҳужжатлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳалокатли вазиятни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза соҳасидаги аҳамиятга мойил йўллардан яна бири Бирлашган Миллатлар Ташкилати қотибати томонидан ташкил этилган ва Япония давлати томонидан қўллаб-қувватланган «Радиус» лойиҳасидир. Бу лойиҳага кўра мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ер қимирлаши «сценарийси» таъминлиниб турли хилдаги иншоотлар, биноларни сейсмик жиҳатдан қандай шикастланиши баҳоланган ва олинган натижаларнинг таҳлили асосида биноларнинг сейсмологик муостаҳкамлигини ошириш учун қандай тадбирларни ўтказиш лозим, бузилиши мумкин бўлганларни тиклаш учун қилинадиган ишлар нимадан иборат бўлиши аниқланди. Бу лойиҳа халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди ва пировадиди шикастланиши мумкин бўлган Тошкент шаҳар иншоотлари баҳолаш услубларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-техшириш ва амалий аҳамияти юқори ишларни қўллаб-қувватлаш лозимлигини тақозо этади.

Энди хавфсиз ҳаёт соҳасига алоқадор айрим муаммолар ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдик. Менинг фикримча бу йўналишдаги долзарб масалалардан бири — бу етук му-тахассис кадрлар етишмаслиги масаласидир. Яна бир жумбоқли ва халқ қилиниши ке-

Томоққа

ТОҚ ТУПЛАРИНИ КЕСИШ ВА ШАКЛ БЕРИШ

Тоқ тупи шакл бериш тоқнинг ўсиши ва лева беришини тартибга солишчи муҳим агротехник на-дбир ҳисобланади. Тоқ тупларига қўлай бўлган бе-дғил бир шакл берилади ва бу шакл тоқзорлардан бутун фойдаланиши даврида сақлаб турилади.

Тоқ туплари кўмилидиغان минтақаларда кўп зангли ел-пигичсимон шакл кенг қўл-ланмилади. Бундай шаклли тоқларни кишда кўмиш қў-лай, уларда кўп миқдорда куртақлар қолдириш мумкин ва юқори узум ҳосили олиш учун имкон яратилади.

Тоқ туплари бандан бўли-ларда ўстириладиган сўра 4 та занг қолдириб, ҳар бир зангда ҳосилли бир йиллик яхши пишиб етилган новда-лар қолдирилади. Ҳар бир зангда 2—3 куртакли қалта қилиб кесилган ва узунлаш-ган занглари ешартириш ҳамда ўрнини босиш учун зар-ур бўлган новдалар қолди-рилади.

Тоқ тупидан йиллар даво-мида бир меъёردа ҳосил олиб туриш учун қуйидаги на-варларга эътибор бериш керак:

а) қанча ҳосилли новда кўп қолдирилса ҳосил шунча кўп бўлади, новдаларнинг ўсиши эса сусаяди;

б) ҳосилли новдалар кам қолдирилса, новдаларнинг ўсиши кучли бўлади, кўп миқ-дорда бачки новдалар пайдо бўлиб, ҳосилдорлик камаяди.

Бундан шундай хулоса ке-либ чиқадикки йилдан-йилга ҳосилли новдалар кўпайти-риб бороверилса ҳосилдор-лик ошиб бороверар экан де-гани эмас. Бунда тоқ тупи кучсизлини қолади ва ҳо-силдорлиги камаяди. Шун-инг учун тоқ тупи қучли бўлса ҳосил берувчи новдалар кўп-рок қолдирилади. Агар тоқ тупи ўртача бўлса, ҳосил бе-рувчи новдалар ўртача қол-дирилади. Агар тоқ тупи қу-чсиз бўлса ҳосил берувчи но-вдалар кам қолдирилади. Яъни, новдаларда куртақлар сони кам бўлади. Қалта қи-либ кесилган новдалар ке-ласи йилга қучли бўлиб ўса-ди. Қучли ўсган новдаларда ҳосил учун кўпроқ куртақ қолдириш натижасида ҳосил-дорлик ошиб боради.

Шу тариха тоқ тупидаги новдаларни бир йили узун кесиш, келаси йили қалта ке-

М. РАЗЗОҚОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодлар

БОЛАЛАРНИ ҚУЙЛАТГАН ДИЛОРОМ

— Қани болалар, бошладик, бир, икки, уч, — Дилором шундай дея нозик бармоқлари билан пианино чала бошлади. Бутун синфни бола-жонларнинг жарандор овози тутди. Дилоромнинг чехрасидаги завқ, унинг болаларга жўр бўлиб қўйлаши ўғил-қизларни янада жонланти-риб юборди. Қўшиқ ниҳоясига етди.

— Болалар, бугун нима ҳақда қўйла-дик? — ўқитувчи нигоҳини уларга тикди.

— Она Ватан ҳақида, Ўзбекистонимиз ҳақида, — чугурлашди улар.

— Сизларга ёқдим?

— Жудаям, айна айтийлик, — деган сўз-лар янгради...

Ҳа, Дилоромнинг ҳар бир дари ана шун-дай мароқли ва завқли ўтади. Энг муҳими, бирорта ўқувчи зерикиб қолмайди. Ўқи-тувчининг мақсади эса ҳар бир ўқувчини мустика оламига етаклаш, уларнинг маъна-вийатини юксалтиришга ҳисса қўйиш, ўр-гатаётган қўшиқлари орқали она Ватанга, унинг табиатига, одамларига меҳр-мухаб-бат уйғотиш, болалар онгига миллий кад-риятларимизни сингдиришдир.

Ҳамза туманидаги 226-ўрта мактабнинг мустика ўқитувчиси Дилором Мирзаева ўзи-нинг дарс ўтиш услуби, меҳнатсеварлиги, билими ва интилиши, гўзал хулқи билан нафақат ўзи меҳнат қилаётган жамоа, бал-ки туманда барчанинг эътиборини қозон-ди. Шу боис ҳам қалби санъат иштиёқи билан ёнган, болаларни севган, ёш ва ти-ришқоқ педагогининг Зулфия номидаги Да-влат мукофотида номзодлар қаторидан ўрин олиши у меҳнат қилаётган жамоа аҳлини хурсанд этди.

— Санъатга меҳр қўйишимда, аввало да-дам — Абдували Мирзаевнинг хизматлари катта, — дейди Дилором Мирзаева. — Бо-лаларга қўшиқ ўргатиш истаги эса Ўзбе-кистон телевидениеси қўшида фаолият кўрсатаётган «Булбулча» болалар даста-сига қатнаша бошлаганимда пайдо бўлди.

Айниқса, даста бадий раҳбари Шермат ака Ерматовнинг йўл-йўриқлари, менга ду-тор чертиш сирларини ўргатган устозим Акбар ака Шоусмоновнинг ўғитларидан кат-та сабоқ олдим. «Булбулча» дастаси билан республикамизнинг турли вилоятларида концертларда иштирок этганимда болалар ва катталарнинг юзларидаги завқ ҳамда қу-вончини кўриб қалбим фаҳрга тўларди. Бо-лажонлар қуйлаганда барчанинг берилиб тинглаши менда мустика муаллимаси бў-лиш, кичкинтойларга қўшиқ ўргатиш иста-гини уйғотган бўлса не ажаб.

1994 йилда ўрта мактабни муваффақият-ли тугатган Дилором ўз орасига етиш ния-тида Тошкент Давлат педагогика универ-ситетининг мустика факультетига ўқишга кирди. Ўқиш давомида унга мустика макта-бида олган билимлари, «Баҳор» Давлат ра-кс дастасида ўрганган сабоқлар катта ёр-дам берди. Ўқиш билан бирга у ўз меҳнат фаолиятини ҳам 153-мактабда бошлади. 1997 йилда эса Дилором Мирзаева ўзи таълим олган 226-мактабни, кадрдон ўқи-тувчилари жамоасига қўшилди. Унинг меҳ-натсеварлиги, доно ва зукюлиги тезда ўз самарасини берди. У мустикадан дарс бе-риш билан бирга мактабда ракс ва қўшиқ

дастасини ташкил этди. Улар туман ва ша-ҳардаги турли тадбир ва қўшиқ байрамлари-да иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Дилоромнинг ўзи эса 1998 йилда туманда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида муваффақият билан иштирок этди. У ўзи раҳ-барлик қилаётган 6-а» синфи билан тузган «Байрам» дастаси бу йил туман «Қўшиқ байра-ми»да фахрли биринчи ўринни эгаллади. Мактаб ўқитувчилари иштирокида тузган хор жамоасига ҳам ёш педагог бош-қош.

Дилором изланувчан бўлгани боисми, ўз касбини гоът севганиданми ҳамма нарсага вақт топади. Уни ҳаминша ўқувчилар да-врасида учратасиз. Гоъ тадбир сценарийсини тайёрлаётган, гоъ сахна кўринишларини ёзаётган, қўшиқ ва рақслар сахналаштираёт-ган бўлади. Унинг ўзи ёзган «Байрам» қў-шиғи эса «Ўқитувчилар ва мураббийлар ку-ни»да барчани шод этди. У ҳар бир дарсда, барча тадбирларда ўқувчилар онгига муста-қиллик қўйларини сингдириш, миллий кад-риятларимизни улуглашга ўргатишга инти-лади. Жамоат ишларида фаол Дилором мак-табда маърифат ва маънавият бўйича дирек-тор ўринбосари вазифасида ҳам фаолият кўр-сатиб келмоқда.

Давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлик ва яратаётган имкониятларидан оқилонга фойдаланишга интилаётган Дило-ром Мирзаева англиз тилини пухта эгал-лашга интилмоқда. Ҳозирда у Жаҳон тиллар марказида англиз тилидан ўз малакасини оширмоқда ҳамда 5- ва 6-синф ўқувчилари-га ҳам шу фандан сабоқ бермоқда.

— Келгусида чет элларга бориб уларнинг болаларга бераётган мустика сабоқларини ўр-ганиш ҳамда ўз тажрибаларини билан ўртоқла-шиш ниятим бор, — дейди биз билан сўхбатда Дилором. — Мен уларга таржимонсиз ўз Ва-танга ҳақида, амалга оширилаётган ишлар, ёш-ларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида га-пириб бергим келади. Қалбимдаги ҳис-ҳаяжон-ни эркин баён этсам дейман. Ахир бежиз айтишмайди-ку «Тил билган — эл билади» деб. Дилоромнинг орзулари ҳам бир олам. Бу йўлда интилиш, изланиш, меҳнат қилиш ло-зимлигини у жуда яхши билади. Болалар учун яхши-яхши қўшиқлар яратиш, рақслар сахналаштириш уни бир зум ҳам тарқ эт-майди. Зеро, санъат, мустика ошно бўлган қалбнинг бегубор бўлишини у жуда яхши англайди. Шу боис ҳам у мактабга — бола-лар даврасига ошмади. Мақсади — у тар-биялаётган болалар ҳам катта сахналарнинг азиз санъаткорлари, Ўзбекистонимизнинг доверуғини жаҳонга танитувчилари бўлсин. Юксак мукофотга номзодлик эса ёш ва ғайратли, санъатга ошувта қалбини ҳаминша яхшиликка, меҳнатга қорламоқда. Буни Ди-лоромнинг изҳор этган сўзларидан, муал-лиманинг қулиб турган чақноқ кўзларидан сезиш мумкин.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Ғаройиб дунё

САҚИЧ ФОЙДАЛИМИ?..

Америкалик шифокорларнинг айтишича, сақич пайдо бўлганидан бошлаб турли хил касалликларни келтириб чиқарган. Илк бор америкалик ҳиндулар қора сақич чайнаган эканлар. Кейинчалик эса у оммаболашган. Маълумотларга кўра, сақич ёш бола-ларда кўп учрайдиган қотиши, томоқ оғ-риқлари, тиш оғриғи ва йўтали келтириб чиқарар экан.

Флоридадаги Орландо болалар клини-касида «сақич» касалликларини ўрганувчи махсус бўлим мавжуд. Мазкур бўлимга кел-тирилган 4 ёшли бола икки йил ич қотиш касали билан оғриган. Шифокорларнинг аниқлашича, бола бир кунда 7 бўлак сақич

ютиб юборганлиги боис, ичкалари тўсилиб қолган экан.

...ЧАПАҚАЙЛИК-ЧИ?

Тиббиёт ходимларининг фикрича, чапа-қай одамлар ўнг қўли одамларга қараганда анча кам умр кўришар экан. Лекин бу нарс а уларнинг ўз жисмоний, ақлий қобилиятла-рини юзага чиқаришларида ҳалақат бер-майди. Уйғониш даврининг улўв рассоми Леонардо да Винчи, ҳайкалтарош Микелан-жело, машур масалчи Гулханийлар ҳам ча-пақай бўлишган экан. «Шарк Пушкини» деб ном олган Усмон Носир ҳам ўзининг жўш-қин шеърларини чап қўлда битган экан.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.



Яхши сурат яратиш учун чиройли жой ҳам танлаш керак. СУРАТДА: моҳир сураткашлар Алишер Собитов ҳамда Вячеслав Бересневлар Усмон Усмонов олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Вақтинча ишламаётган ва иш қидираётганлар ДИҚҚАТИГА

Юнусобод тумани ҳокимлиги, меҳнат органи, хотин-қизлар кў-митаси ва «Камолот» жамғармаси томонидан 12 ноябрь соат 9.00 дан 14.00 гача «Бўш иш жойи ва вақант ўринлар» ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркада иштирок этсангиз шахримиздаги ва тумандаги кор-хоналардаги бўш иш ўринлари билан танишиш имкониятига эга бўласиз. Шунингдек, хунар ўрганиш ва касб танлаш борасида ўқув марказига бепул ўқиш учун йўлланма ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар олишларингиз мумкин.

Ярмарка «Олой бозори» павильонида ўтади.

Транспортлар: автобуслар: 9, 38, 57, 60, 85, 115.

Трамвайлар: 16, 28.

«Олой бозори» бекати.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1999 йил 4 ноябрдаги 128-129 сонидида чоп этилган Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «Факторинг ва ахборот хизмати маркази»нинг автомобиль тўхташ жойларини сотиш бўйича тендер ҳақидаги эълондаги:

4, 14, 21 декабрь 1999 йил соат 10.00 да... сўзи ўрнига 7, 14, 21 декабрь 1999 йил соат 10.00 да ўқилсин;

ва эълоннинг 3-бандидаги:

— Олой бозори — 2 ... сўзи ўрнига Олой бозори — 3 ... деб ўқилсин.

Тошкент фармацевтика институти томонидан 1997 йил 22 январда 3-буйруқ билан ушбу институти тамомлаганлик тўғрисида Наргиза Ҳ-раевна Абдуҳолиқовага берилган 041106 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қўроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.